



НОКИМИ

ҲОКИМИ

141100, Самарқанд вилояти Нуробод тумани Нуробод шахри, Mustaqillik ko'chasi 2-uy, Tel: /8-366/ 633-16-34, Fax: /8-366/ 231-98-81, E-mail: nurobod@samarkand.uz

ҚАРОР

2013 йил «7» октябрь

№ 560-й

Ер участкаси ажратиш ва
қурилишга рухсат бериш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, «Ер кодекси»нинг 6, 26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2011 йил 26 майдаги №146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида 2013 йил 8 августдаги «Қишлоққурилишлойиха» МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институти билан келишилган №822/18-сонли келишув хати ва 2013 йил 1 августдаги №274-сонли йиғилиш баёнини, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2013 йил 11 июндаги №544 сонли давлат экологик экспертизаси хулосасини, Нуробод тумани Аработа маҳалласи Тим қишлоғида яшовчи фуқаро Ўнгбоев Турсунмурод томонидан Тим ҚФЙ «Раззоқ Жаҳонгиров» ширкат хўжалиги ҳисобидаги 1358 контурда жойлашган яйлов ер мадонидан 0,10 гектарга ошхона ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси биноларини қуриш учун рухсат бериб, ер майдони ажратиш беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги № 81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2013 йил 13 сентябрдаги далолатномаси ва тўпланган ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод тумани Аработа маҳалласи Тим қишлоғида яшовчи фуқаро Ўнгбоев Турсунмурод томонидан Тим ҚФЙ «Раззоқ Жаҳонгиров» ширкат хўжалиги ҳисобидаги 1358 контурда жойлашган яйлов ер мадонидан 0,10 гектарга ошхона ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси биноларини қуриш учун рухсат берилиб ер майдони ажратилсин.

2. Фуқаро Ўнгбоев Турсунмуродга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги №146-сонли қарорига асосан ошхона ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси биноларини қуриш учун ажратилган 0,10 гектар яйлов ер майдони учун ишлаб

77
қилини қобул қилишнинг мақсадида 16040 (ўн олти минг қирк) қўшни вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб ҳисобига тўлаб бериш.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қароридан кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини бир йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига муружаат қилиш:

3.Туман бош архитектори (А.Рахимов) фуқаро Ўнгбоев Турсунмурод томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.


4.Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (А.Рахимов) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Н.Куйлиев) лар зиммасига юклатилсин.

5.Фуқаро Ўнгбоев Турсунмурод томонидан бир йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6.Мазкур қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

7.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З. Ниёзов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ж. Ибрагимов